

Муаллиф бу мавзуларда фикр юргизар экан, ўзини бошқалардан билимдонрок санамайди, ўзини «Америка очган» килиб кўрсатмокчи ҳам эмас. Факат, сўз эркинлигидан фойдаланиб, хаётдаги баъзи синчковлик билан тахлил килган, балки кўпчилик унчалар эътибор беравермайдиган ходисалар хакидаги хулосаларини эълон килмокчи, холос. Кимгадир маъкул келса, амал килар, кимнидир мулохазага чорлар, яна кимгадир маъкул келмас, лекин ҳеч ким билан баҳсу мужодалага киришиш нияти йўқ. Мухаббат сўзи арабча бўлиб, бирор ёктирган нарчасига майл кўрсатиб, яхши кўриш маъносини билдиради. Севги сўзи мухаббат сўзининг ўзбекча синонимидир. Бундай маънода яна арабча ишк сўзи ҳам ишлатилади. Бу учала сўз маънодош бўлиб, бир-бирининг ўрнига ишлатилиб кетилаверади. Севги (мухаббат, ишк) икки хил бўлади: илохий севги, мажозий севги. Илохий севги Яратган Парвардигорга нисбатан бўлади ва бу севги, мухтасар айтганда, Аллох таолонинг буюрганларини шак-шубҳасиз бажариб, кайтарганларидан тамоман кайтишлик билан амалга ошади, киёмига, камолига етади. Илохий севги мумтоз адабиётда шундай даражада бош мавзулардан бири бўлганки, буни мукамал баён килиб бериш кийин.

Мажозий севги деганда инсоннинг инсонга бўлган севги-мухаббати назарда тугилади. Мажозий дейилишига сабаб, унинг ўткинчи, нисбий, ўзгарувчи эканлигидандир. Чунки инсон ўз яхши кўрган кишисидан ҳар хил холатда турли сабабга кўра ажралиши ҳам, ёки бир кун келиб, хатто, ундан нафратланиб қолиши ҳам мумкин. Мажозий севги қачонки бирор кишини Аллох учун севгандагина юкори макомига етган бўлади. Чунки шунака даражада севмаган киши чала севган бўлади ва арзимаган айблари учун севган кишисини тарк этиб кетиши ҳам мумкин. Агар Аллох учун севса, севган кишисига ҳеч ҳам хиёнат килмай, ўз севгисида бардавом бўлаверади. Қачонки севгилиси томонидан кечириб бўлмас гуноҳ ёки хиёнат содир этилсагина ундан узоклашиши мумкин. Арзимаган айбга эса, кўз юмиб кетаверади. Чунки айбсиз инсон бўлмайди. Бойлик ёки камбағаллик, омад ёки омадсизлик, соғлик ёки касаллик каби ҳар бир инсонда топилиши мумкин бўлган холатлар севгилисини тарк этишга сабаб бўла олмайди.

Мажозий севги ҳам иккига бўлинади: шафкату марҳамат билан севиш, шахват билан севиш.

Аввалгиси жуда кенг бўлади, яъни эр киши эр кишини ҳам, қариндошу бегона аёлларни ҳам, каттаю кичикни ҳам шафкат билан яхши кўриши мумкин. Ёки аёл киши аёл кишини, яқин кишисию етти ёт бегоналарни, бирор сабаб билан мулоқотда бўлиб турадиган эркақларни ҳам ёктириши, хурмат қилиши мумкин. Масалан, инсон ўз фарзандларини, ота-онасини, ака-ука ва опа-сингилларини, кўни-кўшнилари, кишлокдошу махалладошлар, ҳамкасабаю синфдошлар, курсдошлар, ватандошу баъзан бошқа юртдагиларни ҳам, ўқитувчи ўқувчиларини, бошлик кўл остидагиларни, маълум бир гуруҳдагилар раҳбарларини, шунингдек, қиска бир тасодиф ёхуд сабаб туфайли инсон атрофдаги эркагу аёлларни шафкат-марҳамат билан хурмат қилиб, ёктириб яшаши мумкин. Бундай севги-мухаббатга шахват аралашса, иш бузилади; бунда ақлу фаросат, инсоф-тавфик бош ва асосий омил бўлиб юзага чиқади, акс холда хайвондан бадтар холга тушиш ҳеч гап эмас.

Эркак ва аёл ўртасида ака-сингил, опа-ука тутиниш ҳам жуда кийин нарса. Бундан тийилган маъкул. Чунки икки жинс вакиллари бошқалардан ажралишиб, алохида жойда ёки хилватда колганда, уларнинг олдига чакирилмаган мехмон — шайтон келади ва уларни шахвоний галаёнларга васваса килади, мисоли олов билан ўйнашгандек бўлади. Зотан, одам фарзанди шахват хиссидан узок-айро яшаши нафакат кийин масала, балки имконсиз ишдир. Шунинг учун шайтонга хай бера оламан, деб иккинчи жинс вакили билан ёлғиз қолиб кийналгандан кўра бир-бирларидан масофа саклаганлари дуруст бўлади.

Шахват билан севиш эса факат ўзаро никоҳдаги эру хотиннинг ўртасида бўлсагина раво. Ана шу ораликдан чиқил-са, тартиб-қоида, мезон бузилади. Бу катъий чегара. Уни бузганлар тарихда ҳам расво бўлишган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки никоҳдан ташқари бўлган инсонга шахвоний муносабатда бўлиш зино. Зино харом. Харом иш қилган кишилар жазоланади, хоҳ бу дунёда бўлсин, хоҳ у дунёда бўлсин, муқаррар.

Аммо... Лекин... Бирок... Шу вақтгача ва ҳозирги кунда ҳам севги-мухаббат ҳақида шунчалик кўп китоблар, шеърлар, ҳикоялар, мақолалар ёзилди ва ёзиляпти, қанчалик беҳисоб кинофильм ва театр-спектакллар ишланди, ишланяпти, қанчалик беҳисоб кўшиқлару тароналар айтилди ва айтиляптики, уларнинг аксарини бемалол пуч гаплар, ботил савдолар дейиш мумкин. Чунки ният ва мақсад тўғри эмас. Чунки улар ҳақиқий севги у ёқда қолиб, зино ҳамда, бузқилиқни тарғиб этиш йўлига ўтиб олишди. У асарлардаги воқеалар ривожини шундай тузиладики, қайсидир йигит бир вақтнинг ўзида бир неча аёл ёки кизни, баъзан эса бошқа бировларнинг хотинини «севиб қолади» ва шунинг атрофида турли хил муаммоларга, балоларга гирифтор бўлади. Ёки қандайдир бир аёл ёки киз бир нечта кишини яхши кўриб қолиши ёхуд ўз қонуний эрига хиёнат қилиши, кейинроқ эса ажрашиб кетиши каби воқеалар қаламга олинади. Унақа мақсад-мазмундаги «адабиёт» ва «санъат» «ижодкор»ларининг иддаолари бўйича, ҳар ким ўзи хоҳлаб қолган киши билан севишиши, қовушиши, унинг вислоига етиши мумкин, у бировнинг хотини ёки бировнинг эри бўлиши мумкин-ку, деган андиша уларни қизиктирмайди. Уларга факат севги мавзуси бўлса, бас, қолгани қизик эмас. Собик шўро тузуми даврининг бошланғич даврларида адабиётда севишганлар масаласини кўтариш, кўрсатиш бир шарт қилиб қўйилган бўлса, кейинги босқичларда севги тушунчаси ўз-ўзидан асосий мавзулардан бирига айланиб қолди. Оддий мисол сифатида мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратларининг ҳаёти ҳақида ёзилган «Навоий» драматик асарини келтириш мумкин. Унда ҳазрат Навоий Гули деган тўқима образ билан севишган қилиб кўрсатилган. Ваҳоланки, бу гап Алишер Навоий шахсига нисбатан бўлган, чунки у киши соғлом бўлганлари ҳолда уйланмай, аёл зоти билан «севишмай» яшаб ўтганлар.

Бинобарин, уларнинг мантиқларидаги севги ҳалол-харом, бузқ-тўғри деган нарсани фарқламагани учун ҳақиқий севги эмас, балки маънавий-маиший бузқилиқларга йўл — «лицензия» берувчи ташкилот ёхуд омилга айланиб қолган. Натижа мана бундай: «Бирорта кизни яхши кўриб қолдингми, марҳамат, бировнинг хотинини йўлдан урмоқчимисан, марҳамат, яхшилаб хушомад қилиб, шеърлар ёз, севги изҳор қил, гуллар совға қилда, орасига «ишқ мактуби» солиб қўй, қарабсанки, у сеники бўлади-қолади, кейин бадинга уриб қолса, бирор нарсани баҳона қилиб, осонгина сақични туфлагандай «туфлаб» ташлайсану бошқасига қармоқ ташлайсан, ана шундай қилиб даврингни суриб

юраверасан, севги шунака сехрли ва кулай нарса!». Шундай килиб, севги, бошка тилларда айтилганда, «любовь», «love» маъно жихатидан «кенгайиб», ўзининг покизалик, мусаффолик вазифаларини ортга ташлаб, маънавий-маиший бузукшкни ҳам ўз «Маъновий каноти» остига олди. Ер юзини шахвоний амалларга тўлдираётганлар гўёки ўзларини окламокчи бўлиб, «Мана, бизнинг ишимиз кечаю кундуз факат СЕВГИ, биз ҳеч кимга ёмонлик қилмаймиз» дейишиб, беҳаёлик маъносидаги «секс» сўзи ўрнига ҳам «севги» сўзини ишлатишяпти.

Ўзбек халқи маънавияти устозларидан бири Эркин Воҳидовнинг «Донишкишлоқ латифалари» туркумидан бир кизик шеър мазмунини келтирмоқчиман: Шеър қахрамони Матмуса айланиб юриб, шаҳарга бориб қолади; бир жойда кўрадики, қарнай-сурнайлар чалиниб, қатта дабдабалар бўляпти; нимага одамлар бунақа шовкин-сурон қиляпти экан?, деб кизиксинади; унинг анойи, содда эканлигини билиб қолган безорилар алдаб, бир чеккага чиқаришади, роса қалтаклашади ва пуллари ҳамда кийимларини тортиб олиб, дабдала қилиб қўйиб юборишади; орадан замонлар ўтиб, бир қуни у набираси билан шаҳарга тушса, қарнай-сурнайнинг устидан чиқиб қолишади; бундай томошани кўрмаган набираси бобосидан шовкин-суроннинг сабабини сўрайди; бобоси эса «Шаҳарликлар четдан қелганларни алдаб, ечинтириб, пули ва кийимларини тортиб олиш учун шунақа қилишади» деб жавоб беради.

Хиссиётларга, эҳтиросларга берилиб, севги ва муҳаббат ҳақида ёзадиганлар ва шундай қўшиқлар қуйлайдиган қўшиқчиларнинг аксариятини шу Матмуса тимсоли орқали танқид қилинган тоифаларга ўхшатиш мумкин. Чунки улар «Ёндим-қуйдим, ох-воҳ» деб қуйлашади-ю, шеър у қўшигига пул олиб кетаверишади, уларга кизикиб қолган баъзи соддалар эса ҳаётни шундай тасаввур қилишади; ёлгон севгига алданиб, «севги»нинг мақрли тўрига тушиб қолишадида, кейин эса дунёга сигмай юришади. "Чунки агар ўша шоиру қўшиқчилар ростгўй бўлишсалар, битта шеър ёки қўшигини туталлагандан кейин навбатдаги лирик қахрамонга «Севаман, адо бўламан» демаслиги керак эди; бир қараса «Раъно», бир қараса «Барно», бир қараса «Мухайё», бир қараса «Сурайё» деявермаслиги керак эди; мана шунинг ўзи биланок улар ўзларининг ёлгончи эканликларини ошқор қилиб қўйишди.

«Сенсиз менга ҳаётнинг қераги йўк!» деб неча марталар қуйлашади-ю, яна яшаб юраверишади. Ўзини ўлдирсин, дейилаётгани йўқ, балки ёлгон даъво, йўқ нарсани оғзига олмасин, ўзининг оиласи, фарзандлари, қариндошу бегона танишларининг орасидаги обрўсини туширмасин, дейиляпти.

Ўтган ёзда анчадан бери қўришмай қолган бир оғайнимнинг ўғли билан қўришиб қолдим. У менга шоир бўлганлигини, аввал битта китоб чиқарганини, энди иккинчи китобини тайёрлаётганини айтиб, қўлидаги бир нечта шеъри ёзилган қозонли кўрсатиш учун қўлимга берди. Қўрдим, ўқидим, «Ох-воҳ, ёнаман-қуяман, ўламан»дан иборат шеърлар. Ҳатто, битта шеърида «ўлиб ётардим» деб ҳам ёзибди. Қулгим қелди. Ота-онаси билан бир маҳалла-бир овулда яшаганмиз, отаси-қу майли, эркак киши, бечора онаси ўғлининг «ўлиб ётардим» деганини ўқиса, қандай аҳволга тушишини ўйладим. Йигитнинг аҳволи билан кизикдим, ҳеч жойда ишламаётган, ўқимаётган экан, уйдагиларидан пул қелишини кутиб, Тошқентда яшаб юрар экан. Яна китобини чиқариш учун ҳам отасининг пул жўнатишини кутиб турган экан. Каттик гапирмадим-у, лекин юмшоқ ҳам гапирмадим, «Иложи борица отангнинг қўлтигига қириб ёрдам бер, шеър ёзишга қўп ҳам кизикаверма, ёлгонга аралашиб қолиш хавфи бор», дедим; Қуръони қаримнинг «Шуаро» (Шоирлар) сурасида қелган ростгўй ва ёлгончи шоирлар ҳақидаги оятлар маъносини

тушунтирган бўлдим.

Бахтиёр Мухаммадамин Абдурахим ўгли